

Олтин каштали қора мато



13:30 / 16.03.2023 1778

Рамазон ойи арафасида чиқарилган, Каъба рельефи акс этган 20 граммлик тўртбурчак олтин нишон Уэлс мусулмонлари кенгаши билан маслаҳатлашган ҳолда, Буюк Британиянинг энг қадимий Қироллик танга зарбхонаси “Роял Минт” томонидан яратилган.

Уэлс мусулмонлари кенгаши вакили Абдулазим Аҳмад шундай деди: “Роял Минт билан ҳамкорликда Каъба тасвирланган бу махсус олтин нишонни тақдим этиш ажойиб иш бўлди. Олтин каштали қора мато – кисва билан қопланган Каъба акс эттирилган ушбу нишон минг йиллар давомида қимматбаҳо метал бўлиб келган олтиндан зарб қилинган. Унинг дизайни, шубҳасиз, мусулмон жамоатчилиги орасида машҳур бўлади ва “Роял Минт” маҳоратини акс эттиради. Бу нишон минглаб мусулмонларга манзур бўлади, деб умид қиламан.

Олтин нишон зарб этилиши муносабати билан феврал ойида “Роял Минт” бутун дунё бўйлаб фалокатлар ва фавқулодда вазиятларда ёрдам кўрсатувчи етакчи мусулмон хайрия ташкилоти - “Исламик релиф” томонидан Буюк Британия бўйлаб ўтказилган учта тадбирда қатнашди.

Манчестер, Лондон ва Глазгода ўтказилган ушбу хайрия тадбирларида ўтган ойда содир бўлган ҳалокатли зилзилалар ортидан Туркия ва Сурия учун маблағ йиғиш мақсад қилинган эди.

Тадбирларда Қироллик зарбхонаси ҳадя қилган Каъба олтин нишонларидан бири ким ошди савдосига қўйилиб, 10 000 доллардан кўпроқ пул йиғишга муваффақ бўлинди.

Исломий ёрдам бўйича директор Туфайл Ҳусайн шундай деди: “Биз Қироллик зарбхонаси билан ҳамкорлик қилишдан ва ушбу тадбирларни бутун мамлакат бўйлаб ўтказиш имкониятидан мамнунмиз. “Роял Минт” совға қилган Каъба олтин қўймалари бизга Туркия ва Суриядаги жабрланганлар учун катта маблағ тўплашга ёрдам беради.” Ҳозирча бу олтин нишонни 1156 фунт стерлингга (1393 доллар) сотиб олиш мумкин.

Манба: Arab News